

“ОНА ВА БОЛА” МАРКАЗИГА ҚАРАШЛИ ДОРИХОНА ФАОЛИЯТНИНГ ТАҲЛИЛИ

3.Ш. Хидоятова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Мақсад: ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида даволаш профилактика муассасаси дорихоналари фаолиятини ўрганиш долзарб муаммолардан биридир. Шу муносабат билан “Она ва бола” марказига қарашли дорихона фаолияти таҳлил қилинди.

Усуллар: даволаш профилактика муассасаси дорихонаси фаолияти кўрсаткичларини йиллар бўйича қиёсий усул ёрдамида таҳлилини ўтказиш.

Натижалар: “Она ва бола” ҳудудий даволаш реабилитацион маркази 1983 йилда ташкил топган бўлиб, даволаш профилактика муассасаси дорихонаси ҳам худди шу йили очилди. Шифохона ва дорихона давлат бюджетидан ажратилган маблағ ҳисобига қурилган ва ишга туширилган. Дорихонага дастлабки йилларда Анвар Хайдаров раҳбарлик қилган. 1985 йилда мудирлик лавозими Камолиддин Исоқовга топширилган. 1993 йилдан буён Ёқутхон Юнусова раҳбарлик қилиб келмоқда. Дорихонанинг устав фонди 2004 йилда 321 млн. сўм, 2005 йилда 383 млн. сўм, 2006 йил 421 млн. сўмни ташкил этган. Дорихонадаги хоналарнинг умумий квадрат метри 471,39 м² ни ташкил этиши аниқланди. Дорихонадаги кичик механизация воситалари ҳам ҳозирги замон талабларига жавоб беради. Улар қуйидагилар: автоклав ВК-30, бактерицид лампа ВЛР – 12, вентиляцион ускуна, қуритгич шкафи, газ плитаси, дистиллятор, бикслар. Дорихонадаги кичик механизация воситаларини ювиш ва зарарсизлантириш тартиби Сан-Пин № 0152-04 талабларига жавоб беради. “Она ва бола” марказига қарашли дорихонада 27 турдаги дори воситалари тайёрланади. Инъекция учун эритмаларнинг 16 тури, ичиш учун дори воситаларининг 4 тури, ташқи қўллаш учун тайёрланадиган дори воситаларининг 4 тури ва 3 хил кукун дори воситалари (глюкозанинг 5 %, 10 % ли, новокаиннинг 0,5 % ва 0,25 % ли, пероксид 3 %, 6 % ли эритмалари ва х.к.). Дорихонада тайёрланадиган дори воситаларининг 59,30 % ини инъекция учун тайёрланадиган эритмалар, ичиш ва ташқи қўллаш учун дори воситалари 29,60 % ни, кукунлар эса 11,10 % ни ташкил этади. Дорихонада қуйидаги ходимлар штати мавжуд: дорихона мудир, фармацевт-аналитик, фармацевт, фармацевт-технолог, қадоқловчи, санитарка-ювувчи. Дорихонанинг маош фонди 2004 йилда 12 млн.

сўмни, 2005 йилда 18 млн. сўмни, 2006 йилда 23 млн. сўмни ташкил қилган. Бўлимлар сони 15 та, бўлимлардаги ўринлар сони 310 тани ташкил этган.

Хулосалар: “Она ва бола” марказига қарашли дорихонанинг фаолияти таҳлил қилинди. Дорихонанинг фаолиятини характерлаб берувчи барча кўрсаткичлар Сан-Пин ва бошқа меъёрий техник хужжат талабларига жавоб беради.